ЛОЙИҲА

# Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги СССР бирлашган кооперативлари иттифоқининг УСТАВИ

**1. Умумий қоидалар, иттифоқнинг мақсадлари ва вазифалари**

1. СССР Бирлашган кооперативлари иттифоқи ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида иш олиб бораётган кооперативлар (бирлашмалар)нинг республика территориал ва Бутуниттифоқ тармоқ уюшмаларининг аъзолиги асосида тузилган кўнгилли жамоат ташкилотидир.

СССР Бирлашган кооперативларининг тўла ваколатли ташкилоти бўлган бу иттифоқ кооперативларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Иттифоқ кооператив ҳаракатининг изчиллик билан ривожланишига, кооперациянинг экономика давлат сектори билан узвий боғлиқ бўлган кенг тармоқли системага айлантирилишига, социал-иқтисодий қайта қуриш жараёнини чуқурлаштиришга кўмаклашмоғи лозим.

Иттифоқ ўз фаолиятини СССР Конституциясига, «СССРдаги кооперация тўғрисида» СССР Қонунига ва мазкур уставга мувофиқ, партия, совет, касаба союз ва бошқа жамоат органлари ва ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширади.

2. Иттифоқ ўз фаолиятини қуйидаги принциплар асосида қуради;

иттифоққа ихтиёрий кириш ва ундан бемалол чиқиш;

ўз аъзоларига нисбатан қабул қилинадиган қарорларнинг тавсиянома тусида бўлиши;

иттифоқ аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги;

иттифоқнинг сайлаб қўйиладиган органларининг алмаштирилиши;

иттифоқ фойда олиш мақсадидаги фаолият билан шуғулланмайди.

3. Иттифоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат;

кооператив демократиясини ривожлантириш, кооперативлар фаолиятининг энг муҳим масалаларини коллектив тарзда муҳокама қилиш, тажрибани умумлаштириш ҳамда мавжуд резервлар ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш, кооператив ҳаракатини пропаганда қилиш;

ишлаб чиқаришни ихтисослашни яхшилашга кўмаклашиш, кооперативлар фаолиятини мувофиқлаштириш, кооператив алоқаларни ва моддий-техника таъминотини, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва сотишни ташкил этиш;

кооперативлар ихтисослашаётган ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқда товарлар (ишлар, хизматлар) бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

кооперативларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини ва уларга юридик ёрдам берилишини таъминлаш, тегишли давлат органларида ва бошқа органларда, шунингдек халқаро ташкилотларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда, кооперативларнинг маҳсулотларини (ишларини, хизматларини) реклама қилишда уларга зарур ёрдам бериш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш.

**2. Иттифоқнинг ҳуқуқлари ва бурчлари**

4. Иттифоқ:

СССРда фаолиятнинг кооператив формасини тартибга соладиган қонун актларини тайёрлашда қатнашиш;

кооперативлар фаолияти тўғрисидаги СССР Қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритиши;

белгилаб қўйилган тартибда халқаро фаолият билан шуғулланиш;

ўқув, илмий ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар барпо этиш;

белгилаб қўйилган тартибда ноширлик фаолияти билан шуғулланиш;

жамоат ташкилотлари, шу жумладан халқаро жамоат ташкилотларига аъзо бўлиш;

давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда корхоналари, айрим гражданлар билан шартномалар ва битимлар тузиш ҳуқуқига эгадир.

5. Иттифоқ аъзоларининг вакили бўлиш ҳамда уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш иттифоқнинг бурчи ҳисобланади.

6. Иттифоқ юридик шахс бўлиб мустақил баланси, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа счетлари, шунингдек ўз номи ёзилган муҳри бўлади. Иттифоқ ўзига қарашли барча мулк юзасидан ўз мажбуриятлари учун жавобгар бўлади.

7. Иттифоқ ўз аъзолари ва давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Давлат ҳам иттифоқ мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Иттифоқ аъзолари иттифоқ мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

**3. Иттифоққа аъзолик, иттифоқ аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари**

8. Кооперативларнинг республика территориал (автоном-республика иттифоқидан ташқари) шунингдек Бутуниттифоқ тармоқ иттифоқи (бирлашмаси) иттифоққа аъзо бўла олади.

9. Иттифоққа аъзоларни съезд ёки унинг топшириғига мувофиқ иттифоқ президиуми ариза асосида кириш ва аъзолик бадаллари тўлангандан кейин қабул қилади.

10. Иттифоқ аъзоси мазкур Уставни бузган тақдирда иттифоқ президиуми ёки съезднинг қарори билан аъзоликдан чиқарилиши мумкин. Агар мавжуд овоз берувчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи маъқуллаб овоз берган тақдирда аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш тўғрисидаги баҳслар иттифоқ президиуми ва ревизия комиссиясининг қўшма мажлисида ёки иттифоқ съездида ҳал қилинади.

11. Иттифоқ аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар;

иттифоқ аппарати Устав вазифаларидан келиб чиқиб кўрсатадиган ташкилий, ахборот-методик ва бошқа хизматлардан фойдаланиш;

иттифоқни бошқариш аппарати ва органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш;

иттифоқнинг съездларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

иттифоқ бошқарув органлари кўриб чиқиши учун иттифоқ фаолиятининг турли жиҳатларига тааллуқли таклифлар киритиш;

иттифоқ бошқарув органларига номзодлар ва аъзолар сайлаш ҳамда кўрсатиш;

иттифоқдан ихтиёрий чиқиш.

12. Иттифоқ аъзоси:

мазкур Уставга риоя этишга;

иттифоқ фаолиятида актив қатнашишга;

аъзолик бадалларини тўлашга мажбурдир.

**4. Иттифоқнинг мулки ва маблағи**

13. Иттифоқ мулкидан унинг Уставдан келиб чиқадиган вазифаларини амалга ошириш учунгина фойдаланилади.

14. Иттифоқнинг ўз маблағи манбалари:

иттифоқ аъзоларининг... сўм миқдоридаги кириш бадалидан;

иттифоқ аъзоларининг ... сўм миқдоридаги йиллик аъзолик бадалларидан;

бошқа тушумлардан иборат.

15. Аъзолик бадаллари ҳар йили, 1 мартдан кечиктирмай тўланади.

Иттифоққа қабул қилиш рад этилган тақдирда кириш ва аъзолик бадаллари бир ой муддат ичида қайтариб берилиши керак.

Иттифоқдан чиққан тақдирда кириш ва аъзолик бадаллари қайтариб берилмайди.

16. Иттифоқ маблағидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади;

ижроия комитет ва унинг аппаратини сақлаш;

кооператив активларини мукофотлаш;

Уставда кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш.

Иттифоқ тузадиган фондлар рўйхати ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги кооперативлар съезди белгилаб беради.

17. Иттифоқ кооперативлар съезди белгилаб берадиган тартибда амал қилувчи қонунга мувофиқ ҳисоб-китоб ва ҳисоботни олиб боради.

**5. Бошқарув органлари**

18. Иттифоқ аъзолари сайлаб қўйган вакиллар (делегатлар) съезди иттифоқни бошқаришнинг олий органидир.

19. Съезд:

иттифоқ Уставини тасдиқлайди, унга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритади;

иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларини, иттифоқ маблағлари ва фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради;

иттифоқ президиумини (унинг миқдорини белгилаб) ревизия комиссиясини, иттифоқ президиуми ва унинг ревизия комиссиясига номзодларни сайлайди;

иттифоқ президиумининг ва ревизия комиссиясининг ҳисоботларини тинглайди ҳамда тасдиқлайди;

иттифоқни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ушбу Уставдан келиб чиқадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

20. Съездда делегатларнинг ярмидан кўпроғи қатнашаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Съезд, башарти унда иштирок этаётган делегатлар ярмидан кўпроғининг қарори билан бошқача йўл таклиф қилинмаса, оддий кўпчилик овоз билан; очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади.

21. Съезд камида икки йилда бир марта чақирилади. Иттифоқ аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан, ёҳуд иттифоқ президиуми ёки ревизия комиссияси состави ярмининг талаб билан навбатдан ташқари съезд чақирилиши мумкин.

22. Съезд делегатлари республика территориал ва тармоқ Бутуниттифоқ кооперативлар иттифоқлари съездлари ёки конференцияларида сайланадилар.

23. Вакиллик нормаси, съездда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар иттифоқ президиуми ва ревизия комиссиясининг қўшма мажлисида белгиланади.

Иттифоқ президиуми съезд ўтказиладиган вақт ва жой, унинг кун тартиби тўғрисида иттифоқ аъзоларига съезд очиладиган кундан камида 60 кун олдин хабар қилади.

Навбатдан ташқари съездларни чақириш чоғида ҳам шундай тартибга амал қилинади.

24. Иттифоқ президиуми ҳар кварталда камида бир марта чақирилади. Иттифоқ президиуми ёки ревизия комиссияси аъзолари ярмидан кўпроғининг талабига мувофиқ иттифоқ президиумининг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

Президиум аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашаётган бўлса иттифоқ президиуми мажлиси ваколатли ҳисобланади.

25. Иттифоқ президиуми:

иттифоқ съездлари ўртасидаги даврда унинг Уставда кўзда тутилган фаолиятини ташкил этади;

иттифоқ аппарати ва ижрочи комитетини тузади, ижрочи комитет, иттифоқнинг хўжалик корхоналари тўғрисидаги, ижрочи комитет меҳнатига тўланадиган ҳақ фонди ва унинг миқдори ҳақидаги низомларни тасдиқлайди;

иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан унинг фаолият программасини ишлаб чиқади;

иттифоқ аъзоларидан ёки кооперативларнинг айрим группаларидан, уларнинг иттифоқларидан тушган таклифларни мазкур Уставнинг 33-бандига мувофиқ кўриб чиқади:

ижрочи комитет ҳисоботларини тинглайди;

президиум аъзолари орасидан президиум раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди;

ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида иш олиб бораётган кооперативлар съезди ўз зиммасига юклаган бошқа вазифаларни бажаради.

26. Иттифоқ президиуми иттифоқ барча аъзоларининг вакилларидан иборат бўлади. Съездлар ўртасидаги даврда иттифоқ президиуми аъзолигига қўшимча сайлов иттифоқ аъзоларининг таклифига мувофиқ иттифоқ президиуми ва ревизия комиссияси қўшма мажлисида ўтказилади.

27. Ревизия комиссияси ҳар ярим йилда камида бир марта тўпланади. Ревизия комиссиясининг навбатдан ташқари мажлиси ревизия комиссияси, иттифоқ президиуми аъзолари ярмидан кўпроғининг ёки иттифоқ аъзолари ярмининг талабига мувофиқ ўтказилади.

Ревизия комиссияси мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашаётган бўлса у ваколатли ҳисобланади.

28. Ревизия комиссияси: иттифоқ президиуми, ижрочи комитети, иттифоқ корхоналари ва ташкилотлари СССР Қонунларига, мазкур Уставга, СССР кооперативлари съезди қарорларига амал қилишини назорат этиб боради;

иттифоқнинг ижрочи комитети ва унинг аппарати, иттифоқ корхоналари кооператив бошқармасининг юқори органлари уларнинг олдига қўйган вазифаларни бажаришларини назорат қилади;

иттифоқ ижрочи комитети, иттифоқ корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини ҳар йили тафтиш қилади;

иттифоқ аъзоларининг ревизия комиссиялари ишида методик ёрдам беради.

29. Иттифоқ президиуми ва ревизия комиссияси қарори овозга қўйилган чоғда уларнинг мажлисда қатнашаётган аъзоларининг 50 процентдан кўпроқ қисми маъқуллаб овоз берса, бу қарорлар қабул қилинган ҳисобланади.

30. Иттифоқнинг ижрочи комитети СССР кооперативлари съезди ва иттифоқ президиуми қарорларининг бажарилишини ташкил этади, съезд ва иттифоқ президиуми ўзига бериб қўйилган ваколатлар доирасида иттифоқ президиуми мажлислари ўртасидаги даврда иттифоқнинг кундалик фаолиятини амалга оширади.

Ижрочи комитет ... кишидан иборат бўлади. Ижрочи комитетга раис бошчилик қилади. Ижрочи комитетнинг барча аъзолари ёлланган ходимлардир.

Ижрочи комитет ҳар ойда камида бир марта мажлис қилади. Қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

31. Иттифоқ президиуми ва ревизия комиссиясининг аъзолари ижрочи комитетда ҳамда иттифоқ корхоналари ва ташкилотларида ишлай олмайдилар.

32. Ревизия комиссиясининг аъзолари иттифоқ президиумининг ишида маслаҳат овози билан иштирок этадилар. Ревизия комиссиясининг аъзолари иттифоқ президиумининг аъзолари бўлишлари мумкин эмас.

33. Кооперативларнинг таклифлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартибини иттифоқ президиуми белгилаб беради.

34. Иттифоқ раиси ва унинг ўринбосарлари алоҳида ишонч қоғозисиз давлат ва жамоат ташкилотларида иттироқ манфаатларини ҳимоя қиладилар.

**6. Иттифоқ фаолиятининг тўхтатилиши.**

35. Съезд қарорига мувофиқ иттифоқ ўз фаолиятини тўхтатади.

Иттифоқ тугатилган тақдирда унинг қарзлари белгиланган тартибда тўлангандан кейин қолган мулки иттифоқнинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

Изоҳ: иттифоқ аъзоларининг кириш ва йиллик аъзолик бадаллари миқдори (14-банд), шунингдек иттифоқ ижрочи комитети состави миқдори (30-банд) съезд томонидан белгиланади.

---

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## ЖАЗО ЙЎҚ ЭКАН, ЖИНОЯТ КАМАЙМАЙДИ

ШУНДАЙ, бу — исбот талаб қилинмайдиган аниқ хулоса. Совет қонунларининг мазмун-моҳияти ҳам шундай. Аммо «қонун ўз йўлига» деб бемалол қонунбузарлик қилаётганлар ҳам оз эмас. Сабаби маълум — жазодан қутқариб қоладиган ҳомийлари бор. Ёш болага пўписа қилгандек, кўпчиликка билдириб ҳайфсан эълон қилишади-да, орадан ярим йил ўтмаёқ, номигагина берилган жазо олиб ташланиб, айбдор яна оппоқ бўлиб, «иши»ни давом эттираверади. Демак, савдо соҳасидаги қўли эгриларга бериладиган ҳайфсан жазодан кўра кўпроқ ҳимоя воситасини ўтайди.

Газетанинг шу йил 18 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилинган мақолада шу ҳақда фикр юритилган эди. Чунончи, Оҳангарон шаҳридаги «София» ресторанида совет савдоси қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги, раҳбар ва ходимлар шахсий бойлик орттириш мақсадида хўрандалар ҳақига хиёнат қилаётганлиги тўғрисида хабардор қилинган область давлат савдо инспекцияси зудлик билан текшириш ўтказди, шикоят хатида кўрсатилган барча камчилик ва нуқсонлар тўла тасдиқланди. Инспекциянинг хулосасига биноан ресторан пазандаси Х. Эшчонова билан ошхона ишчиси Х. Қулиеваларнинг иши терговорганларига оширилиши ва улар жиноий жавобгарликка тортилишлари, директор А. Рисқулов билан буфетчи С. Имомназаровлар ишдан бўшатилиши керак эди. Бироқ Оҳангарон шаҳар умумий овқатланиш комбинатининг умумий мажлиси қарори билан А. Рисқуловга қатъий ҳайфсан эълон қилинди, С. Имомназаровнинг иш вазифаси пасайтирилди.

**Редакциянинг айбдорларни жазолаш ўрнига уларни шундай йўл билан муҳофаза қилинишига қарши жиддий эътирози ниҳоят инобатга олинди. Область умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи И. Икромовнинг юқоридаги танқидий мақола муносабати билан редакцияга йўллаган жавобида қуйидагилар баён этилади.**

**«Жазо йўқ экан, жиноят камаймайди» мақоласи бошқарманинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди ва Оҳангарон шаҳар умумий овқатланиш комбинатининг шу ҳақдаги қарори бекор қилиниб, бошқарма кенгайтирилган мажлисининг қарори қабул қилинди.**

**Область умумий овқатланиш бошқармасининг шу қарорига мувофиқ Оҳангарон район умумий овқатланиш комбинати савдо инспектори Е. Мурашкинанинг икки ой муддатга иш вазифаси пасайтирилади. Ошпаз Х. Эшчонова билан ошхона ишчиси Х. Қулиева ишдан бўшатилиб, улар иши юзасидан материаллар терговорганларига оширилади. Ресторан директори А. Рисқулов билан буфетчи С. Имомназаров вазифаларидан озод қилинадилар.**

**Район умумий овқатланиш комбинати директори В. Шин ҳам ресторандаги жиддий нуқсонларни назоратсиз қолдирганлиги учун вазифасидан олиниши зарур эди. Бироқ область умумий овқатланиш бошқармаси унинг директорлик лавозимига шу йил март ойида сайлов йўли билан ўтганлигини ҳисобга олиб, қатъий ҳайфсан эълон қилиш билан чекланди.**

**Ресторанда таомлар тайёрлаш технологиясига амал қилиниши, спиртли ичимликлар савдосини тўғри йўлга қўйиш юзасидан инспекторлик назорати кучайтирилди.**

**Редакция область умумий овқатланиш бошқармаси раҳбариятининг «Жазо йўқ экан, жиноят камаймайди» танқидий мақола муаллифларининг жиддий, аммо ҳақли эътирозларига тўғри муносабатда бўлганлиги ва айбдорларни одилона жазолаганлигини алоҳида таъкидлайди ва бундан буён ҳам газетанинг танқидий чиқишларига шундай муносабатда бўлинади дея умид қилади.**

* * *

**Шу мақолада Оҳангарон шаҳар савдо идорасига қарашли 17-магазин, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилар таъминоти бўлимининг арақ-вино сотишга ихтисослашган магазинидаги савдо қоидаларига хилоф ишлар ҳам танқид қилинган эди. Область савдо бошқармаси бошлиғи А. Ҳолибоевдан шу танқидий мақола юзасидан жавоб олинди. Унда таъкидланишича, мақола бошқарманинг кенгайтирилган мажлисида савдо идоралари директорлари, ишчилар таъминоти бошқармаси бошлиқлари иштирокида муҳокама этилган.**

**Арақни яшириб сотиб савдо қоидасини бузганлиги учун 17-магазин сотувчиси А. Миноваров ишдан четлаштирилиб, 1-кафега кўчма савдо бўйича кичик сотувчи қилиб тайинланди. Магазин мудири З. Қодзаевага ҳайфсан берилди.**

**«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилар таъминоти бўлимига қарашли арақ-вино магазини сотувчиси Х. Халилов вазифасидан четлаштирилди. Тергов ишлари тугагунча у оддий ишчи бўлиб ишлаб туради.**

---

# РЎЙИ РОСТ МУЛОҚОТ

**ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИ ХОДИМЛА РИНИНГ ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ СТУДЕНТЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ**

Тошкент давлат университетида бу галги меҳмонларни зўр қизиқиш билан кутдилар: ахир бундай учрашувлар бу ерда илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Университетга Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети бошқармасининг бошлиғи Ж. Муртазоев, тергов бўлимининг бошлиғи Г. Биндасов, комитет бўлинмаларининг бошлиқлари Б. Бозоров, А. Эшонқулов ва бошқа ходимлар келишди.

Б. Бозоров йиғилиш аҳлини ҳозирги шароитда давлат хавфсизлиги органлари ишининг асосий йўналишлари билан таништирди.

Кейинги вақтларда гўё биз Ғарбнинг махсус хизмат маҳкамалари, «қандайдир чет эл агентлари» билан одамларни чўчитаётганлигимиз тўғрисида ҳар хил фикрлар эшитилмоқда,— деди у.— Реал воқеа шундан иборатки, ана шу маҳкамаларни ҳеч ким тарқатиб юбормаган. Улар ўзларининг душманлик фаолиятини кучайтирмоқдалар, халқаро муносабатлардаги илиқликдан фойдаланишга, қайта қуришга тўсқинлик қилишга уринмоқдалар.

Республикага келаётган чет эл гражданлари — туристлар, олимлар, мутахассислар, студентлар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқига нисбатан дўстона кайфиятдадир. Аммо шундай кишилар ҳам борки, уларнинг хатти-ҳаракатлари қонун доирасидан чиқиб кетади. Чет эллардаги совет гражданларига нисбатан иғвогарликлар тез-тез учраб турибди.

Ғарбдаги бир қанча мамлакатларнинг махсус хизмат маҳкамалари қўпорувчилик билан шуғулланувчи идеология марказлари мамлакатимизда яширин, ярим ошкора ва ҳатто ошкора ташкилотлар тузилишини бутун чоралар билан рағбатлантирмоқдалар. Ана шу ташкилотлар ўша марказларнинг кўрсатмаси билан иш кўраётганликларини ҳатто ўзлари ҳам билмайдилар. Айрим сафсатабозлар эса миллий ҳис-туйғуларни қўзғатиб ўзларининг экстремистик хатти-ҳаракатлари билан махсус хизмат маҳкамаларининг мамлакатдаги сиёсий вазиятни издан чиқариш борасида актив фаолият олиб бориши учун реал шарт-шароит яратиб бермоқдалар.

Ана шундай гуруҳлардан бири — «Демократик иттифоқ», деб аталиб, унга илгари давлатга қарши фаолияти учун судланган ва Советларга қарши марказлар билан алоқа боғлаб турувчи кишилар бошчилик қилмоқда. Улар демократиялаш жараёнидан Совет давлати ва ижтимоий тузумга душманчилик мақсадларида фойдаланишга уриниб, одамларни мамъурлар билан тўқнашувга ундамоқдалар, коммунистлардан ўч олишга даъват этиб, ёшларни ўз таъсирига олишга интилмоқдалар.

Кейинги вақтларда республикамизнинг бир қанча районларида ҳам баъзи масъулиятсиз шахслар социализмга қарши, миллатчилик тусидаги ва шариатнинг энг эскирган қонун-қоидаларига амал қилмаётган ўзбек хотин-қизларига дўқ-пўписалар баён этилган варақалар тарқатдилар.

Буларнинг ҳаммаси эса аслида чет эллардаги мафкуравий қўпорувчилик марказлари СССРга қарши фаолияти программасининг такрорланишидир. Машъум «Озодлик» радиосининг Мюнхендан ўзбек тилида эшиттиришлар берадиган бўлинмаси ислом давлати тузиш тўғрисидаги фикрни тиқиштиришга тобора фаолроқ уриниб, миллатчилик кайфиятларини авж олдирмоқда, иғвогарона шов-шувларни зўр бериб тарқатмоқда.

А. Эшонқулов ўз нутқида ўлкада хавфсизлик органларининг қарор топиш тарихи тўғрисида, чекистларнинг Совет ҳокимияти йилларида тўпланган шонли жанговар анъаналари ҳақида, республика давлат хавфсизлиги комитетининг ходимлари ҳозирги вақтда ҳам ана шу анъаналарга содиқ бўлиб қолаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

Давлат хавфсизлиги органлари ижтимоий-сиёсий тузумимизни ташқаридан, шунингдек мамлакат ичкарисидан бўладиган ҳар қандай душманлик ҳамлаларидан ҳимоя қилиб, жиноятчиларнинг йўлини тўсмоқдалар. Иғвогарлар эса давлат хавфсизлик комитетининг кучи омма билан алоқада эканлигини тушуниб, бундай алоқани узиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Ана шу нутқлардан кейин мулоқот бошланди. Студентлар ва ўқитувчилар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари тўғрисида комитет ходимларига саволлар бердилар. Уларнинг саволларига батафсил холис изоҳлар берилди. Комитет ходимлари чет эл махсус хизмат маҳкамалари иғвогарлик материаллари, варақалари бўлган ва пинхона келтирилган китоблар, яширин чўнтаги бўлган кийим-кечаклар, хизмат ёзишмаси тариқасидаги мактубларни мамлакатимизга юбориш учун қай тариқа ҳийла ишлатаётганликларини намойиш қилиб бердилар.

— Давлат хавфсизлиги комитетида совет кишиларининг чет эл гражданлари билан ёзишмаларини ўқишадими? — деб сўради студентлардан бири.

— Йўқ ва бундай қилиш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслар, — деб жавоб қайтарди Г. Биндасов. — Фақат тергов манфаатларини кўзлаб, фавқулодда ҳолларда прокурорнинг рухсати билан шундай қилиш мумкин.

— Нима учун одамлар сизлардан қўрқишади? — ана шундай ёзма савол тушди.

— Ҳалол одамлар бизлардан қўрқишмайди, — деб қатъий жавоб берди Ж. Муртазоев, — Чунки биз одамлар манфаатларини қўриқлаймиз. Шунинг учун улар зарур бўлганда ёрдам сўраб бизга дадил мурожаат қиладилар.

Учрашув узоқ давом этди. Пировардида хавфсизлик органларининг ходимлари жамоатчилик билан тез-тез учрашиб туришлари, ўз фаолиятидан хабардор қилиб туришлари ҳақида таклиф билдирилди. Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари бу фикрни маъқулладилар.

**Б. ҲАСАНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

---

# ЯШИЛЛИК ЯРАТАЁТГАНЛАР

ОҲАНГАРОН ўрмон хўжалигининг умумий майдони бугунги кунда 114 минг гектарни эгаллайди. Хўш, бу кўпми, ёки оз. Ўрмончилар назарида бу жуда кам. Негаки, ўтган йили атиги 70 гектар майдон ўзлаштирилди. Ахир битта-ю битта бульдозер билан бундан кўп ерни ўзлаштириб бўлармиди? Тоғ ёнбағирларини терраса усулида ўзлаштириб, ям-яшил майдонларни вужудга келтириш керак. Ўрмон хўжалиги маъмурияти республика ўрмон хўжалиги министрлигига яна бир Т-130 маркали бульдозер сўраб илтимос қилганига мана уч йил бўлди. Бироқ, ҳали амалий натижа бўлгани йўқ.

— Юқоридан мадад кутиб бекор ўтиришни коллективимиз хуш кўрмайди,— дейди биз билан суҳбатда ўрмон хўжалиги директори Анвар Шамсуддинов.— Ўтган йили куз илиқ ва қуруқ келди. 1989 йил учун белгиланган 70 гектар майдонни 1988 йил кузидаёқ ўзлаштириб, яшил майдончаларни вужудга келтирдик. Айни пайтда дов-дарахтларни ўтқазиб бўлдик.

Ўтган йили ўрмон хўжалиги коллективи СССР Ўрмон хўжалиги министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотига сазовор бўлди.

Ўрмончилар бу йил 1 миллион 250 минг туп кўчат етиштирдилар. Шундан 300 минги ташкилотларга сотилди. Айни пайтда ўрмон хўжалигида 20 турда мевали ва манзарали дарахтлар етиштирилаяпти.

Маълумки, тоғ арчаси ўзининг хушбўйлиги ва кўркамлиги билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг аниқлашича у ўзидан бошқа дарахтларга нисбатан 3—4 баробар кўп кислород ажратиб беракан. Ҳозирги экология вазияти уни кўплаб етиштиришни тақозо қилади. Бироқ арчани қандай кўпайтириш мумкин? Оҳангаронлик ўрмончилар Ўрта Осиёда биринчи бўлиб уни уруғидан кўпайтириш йўлини топдилар. Тоғ арчаси мевасидан уруғ олиш ўта машаққат, одатда унинг пишган-пишмаганлигини билиш мураккаб, бироқ ўрмончилар бунинг ҳам уддасидан чиқдилар. Ҳозир хўжаликда 80 минг туп тоғ арчаси кўчати баравж ўсаяпти.

Тоғ мевалари хуштаъм ва шифобахш Ўтган йили ўрмончилар савдо шахобчаларига 191,1 тонна мева етказиб бердилар. Шунингдек. 7219 килограмм доривор ўсимликлар ва наматак мевалари йиғилди. Бу пландагидан 1419 килограмм кўпдир.

Ўрмон хўжалиги асаларичилари ҳам яхши ишладилар. 8,2 минг сўмлик план бажарилди. Умуман, олганда, хўжаликнинг ёрдамчи хўжалиги дуруст ишлаяпти. Ҳозир бу ерда 281 бош қўй, 22 бош от бор. Биргина ўтган йили ёрдамчи хўжаликнинг кучи билан коллективда ишлаётган ҳар бир кишига 35 килограммдан гўшт тарқатилди.

— Ўрмон хўжалигининг барча соҳаларида оила ва ижара пудрати усуллари ўз самарасини бераяпти,— дейди Анвар Шамсуддинов.— Коллективимиз фақат ўрмонни сақлаш ва янги ерларни ўзлаштириш билангина шуғулланмайди. Кенг истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни ҳам ўзлаштириб олганмиз. Жумладан, дарахт новдалари, пўстлоқларидан сават ва саватчалар, гулдонлар ҳамда курсилар тайёрлаймиз. Илғорларимиз ҳақида гап кетганда ўрмончилар Абдулқосим Мамажонов, Борис Ким, Ҳолбой Турдалиевларнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

**О. ХУШНАЗАРОВ,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**

---

## ИККИ МАРТА ҚАЙТА ЭКИЛДИ

**БЎКА. (Телефон орқали олинди).** Районимиз деҳқонлари 23 минг 100 гектар майдонга қулай муддатларда барака уруғларини қадаб, бу йил 58 минг 500 тонна пахта етиштириш учун курашни бошлаган эдилар. «Партия XIX съезди» колхози деҳқонлари бу ишларда, айниқса, пешқадамлик қилаётгандилар. Аммо апрелнинг сўнгги кунидаги қор ва май ойининг бошидаги қора совуқ ишга катта ҳалал берди. Хўжаликнинг 60—75 процент майдонида униб чиққан ғўзалари қайта экиладиган ҳолга келди.

Табиий офат юз берган дастлабки кунданоқ колхоздаги барча бригадаларнинг аъзолари бир тан бир жон бўлиб далага чиқишди, зарарнинг олдини олишга, унга тўсқинлик қилишга киришдилар. Аммо барча кўрилган чора-тадбирларнинг нафи унчалик фойда бермади. Шундан сўнг ерларни чизеллашга киришилди. Чигит қайтадан қисқа муддатларда экиб олинди.

5 майдаги қаттиқ иссиқ ишга янада зарар етказди. Айниқса, колхознинг Анвар Душабоев, Худойберди Абдужабборов, Анвар Аҳмедов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалардаги совуқдан кейин нимжон бўлиб қолган ниҳолларни жизғинак қилиб юборди. Яна 50 гектар майдонга чигитни қайта экишга тўғри келди. Бу тадбир бир кунда амалга оширилди.

Айни пайтда пахтакорлар қайтадан экилган барака уруғларини тўлиқ ундириб олиш, қатқалоққа қарши кураш чораларини комплекс ташкил қилиб, мўл ҳосилга пухта замин яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Э. ЙЎЛДОШЕВ**

# ФАҚАТ ҚОНУН

## ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ, ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТНИНГ ТАНТАНАСИНИ ГАРАНТИЯЛАЙ ОЛАДИ

**«Известия» газетасида (№92) «Малика»ни қўмсаб» сарлавҳали материал босиб чиқарилганидан кейин редакцияга... Т. Х. Гдлян қўнғироқ қилди. Унинг фикрича, бу материални эълон қилмаслик керак экан, у эътироз билан чиқишни истаётганмиш. Аммо бизга ҳеч нарса юборилгани йўқ. Бу орада газетага Т. Х. Гдлянга сўз берилиши талаб этилаётган номли ва номсиз телеграммалар келиб турибди. Амалдор порахўрлар ва талон-тарож қилувчиларни фош этаётган терговчиларни нимада, қандай қонун-қоидани бузишда айбламоқдалар? деган саволлар ёзилган хатлар келмоқда. «Известия» шарҳловчиси Ю. Феофанов 1984-1987 йилларда Ўзбекистон прокурори бўлиб ишлаган. А. БУТУРЛИНдан (ҳозир у РСФСР прокурорининг ўринбосари) вужудга келган вазиятни муҳокама қилишни сўради.**

**— Менимча, ўғрилар ва порахўрларни фош қилиш бирмунча илгарироқ бошланган бўлсада, бу ишларнинг энг авжига чиққан палласи сиз республикада ишлаган йилларга тўғри келган бўлса керак. Алексей Владимирович, сиз газетхонларни ишлардан воқиф қила олмайсизми? Республика прокурори бўлиб турганингизда тергов ва суднинг қонуний юритилиши устидан олий назоратни амалга ошира бориб, сиз «ҳаммасини» билмаслигингиз мумкин эмас эди.**

Маълумки, пахта билан боғлиқ суиистеъмоллар экономикага энг кўп зиён етказди. Бундай суиистеъмолчиликлар республиканинг деярли барча районлари ва хўжаликларини қамраб олган эди. Пахта тайёрлаш чоғидаги қўшиб ёзишлар кўзбўямачилик, жуда катта талон-тарожлар, мислсиз порахўрликлар учун ғоят қулай замин бўлиб қолганди. Бир неча миллиард сўм маблағ талон-тарож қилинди. Жиноий ишларга ўн минглаб кишилар жалб этилган эди.

Шуни айтиш керакки, миллионлаб деҳқонларнинг меҳнати орқали текинхўрлик қилаётган ана шу таркиб топган жиноий тўда собиқ министр Яҳёев бошчилигидаги ички ишлар органларининг талай даражада сотилган порахўр системаси, «нима иш буюрадилар?» қабилида иш кўрувчи «чўнтаки» прокурорлар, судьялар билан ўзини пухта ҳимоя қилиб келди. Мана шуларнинг ҳаммасига қатъиян барҳам бериш керак эди.

КПСС Марказий Комитетининг, иттифоқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг доимий мадади талон-тарож қилувчилар ва порахўрларга нисбатан бир неча юзлаб ишларни туғаллаб судларга оширишимизга имкон берди. 4,5 мингдан зиёд мансабдор шахс ҳукм қилинди.

Мен 1980 йилда, СССР прокуратураси тергов қисмининг бошлиғи бўлиб ишлаётганимда Ўзбекистонга биринчи марта командировка қилингандим. Ўшанда биз ҳали мен айтиб ўтган Яҳёевнинг ҳокимиятни суиистеъмол қилинганлигини тафтиш этиш билан шуғулландик. Бизнинг группамиз мутлақо бемазагарчиликлардан иборат фактларни аниқлади: жиноий ишлар тўқиб чиқарилган, сохта материаллар асосида судлар бегуноҳ кишиларни ҳукм қилган, соғлом кишилар руҳий беморлар касалхоналарига ётқизилган, ўзбошимчалик ва бедодлик ҳукм сурган. Биз ишонарли далил-исботаларни олдик. Ўшанда мени Рашидов суҳбатга чақиртирди. Унинг ҳузурида республиканинг бир қанча раҳбарлари ўлтиришганди. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг ички ишлар министри тўғрисида жуда мақтов сўзлар айтишди: Рашидов ҳам уни шундай таърифлади.

Деярли эртаси куниёқ группа Москвага чақиртириб олинди. «Ўзбекистонда тергов ишларини олиб боришнинг иложи йўқлиги муносабати билан» мен жиноий ишни тўхтатдим. СССР Бош прокурорининг ўринбосари В. В. Найденов КПСС Марказий Комитетининг ўша пайтдаги раҳбариятини Ўзбекистонда терговни давом эттириш зарурлигига ишонтира олмади.

**— Афтидан Чурбанов ишига доир суд мажлисида мана шу фактлар юзага чиқиб қолган бўлса керак. Тўсатдан суд коллегияси Яҳёевнинг бўйнида порахўрлик тўғрисидаги айблардан ташқари яна айблар юки борлигини эшитиб қолди, айбномалар бир неча томни ташкил этди, аммо булар унинг зиммасига қўйилмади. Менинг тушунишимча, бу қонунни қўпол равишда бузишдир.**

— Бўлмасамчи! Яҳёевнинг қонунга хилоф энг асосий қилмишлари — одамлардан ўч олишини терговчилар онгли равишда суддан яширишган деб ҳисоблайман.

**— Гап бораётган барча ишлар жамоатчилик фикрида яқинда СССР халқ депутатлари этиб сайланган Т. Гдлян ва Н. Иванов номлари билан боғланган. Улар сайланганлиги фактининг ўзи афкор омма наздида терговчиларнинг обрў-эътибори юқори эканлигидан далолат беради. Афсуски, мен улар билан кам мулоқотда бўлганман, аммо ҳар қалай учрашиб, узоқ суҳбатлашганмиз. Ҳозир улар ҳақида нима дейишмасин лекин шахсан менда улар порахўр ва ўғриларга қарши изчил ҳамда матонатли курашчилар деган таассурот ҳосил бўлган, улар лавозим ва унвонлар олдида довдираб қолишмайди. Шу билан бирга мен уларнинг қонуний ҳукмни қораловчи, суднинг қадр-қимматини таҳқирловчи гапларига қўшила олмадим. Эндиликда терговнинг ғайри-қонуний усуллари тўғрисида гапиришмоқда. Бу хусусда ишонарли фактлар менда йўқлиги ва бўлиши ҳам эмаслигини ўзингиз тушунасиз.**

— Тўғри айтдингиз, Гдлян ва Иванов тиришқоқ, саботли одамлар. Аммо маълумки, фақат қонуний йўлгина фожиали хатолардан қутқара олади, бундай хатолар эса ўтмишимизда кўп бўлган эди. Афсуски, баъзан терговчилар фикрича аниқ кўриниб турган жиноятчини тезроқ фош этиш учун яхши ният билан айрим ходимлар қонуннинг қатъий нормаларидан чекиниш мумкин деб ҳисоблайдилар. Қонун-қоида бузишларнинг поёни йўқ — булар орасида гўё расмий талабларнинг бироз бузилишидан тортиб гувоҳлар, шубҳа остига олинганлар ва айбланувчиларга жисмоний ва психологик таъсир ўтказишгача бўлган қонун-қоида бузишлар бор. Ана шу яроқсиз воситалар ҳамиша ҳам дарҳол кўзга чалинавермайди. (Ўттизинчи йиллар охиридаги процессларнинг фожиавий оқибатларини эсланг). Жамоатчилик, баъзан эса суд ҳам фақат пировард натижаларни кўрадилар, улар кўз ўнгида айбни тан олишдек далил-исботнинг «маликаси» бор бўйи билан намоён бўлади. Мақсадга эришиш учун ғайриқонуний воситалардан фойдаланилгани эса кўпинча пинҳон бўлиб қолаверади.

Терговчилардан Гдлян ва Иванов қонун талабларига риоя этаман деб, ўзларини унча қийнитишгани йўқ. Тошкентда Гдляннинг қуйидаги гаплари тарқаб кетгани бежиз эмас: «Ҳар қадамда порахўрлик учрайдиган Ўзбекистонда қандай қонунчилик бўлсин?»

Очиғини айтадиган бўлсак, Гдлян ва Иванов бу борада қўллаган методларнинг ўзи жиноятkоронадир. Айбсиз одамлардан ўч олган Яҳёевга нега айб қўйилмади? Бунинг боиси шундаки, терговчи Гдлян у билан келишиб олган: сен Чурбанов ва бошқаларга пора берганман дединг, шу гапингда қаттиқ тур, биз эса одамлар ва одил судловга қарши жиноятларингни ёпиб кетамиз, деган. Суддан айблов далил-исботлари баён этилган неча жилд ишларнинг яширилганини фақат худди ана шу билан изоҳлаш мумкин бўлади.

Аминманки, терговчининг жиноятчи билан тил бириктириши, бу нечоғли яхши ниятлар билан хас-пўшланмасин, тескари натижа беради: оқибатда катта жиноятчилар жавобгарликдан қутулиб қоладилар. Кичикроқ жиноятчилар эса одил судлов билан «ҳамиша келишиб олиш мумкин деб» айниб кетадилар. Фактларни айтиб ўтай. Гдлян гуруҳи «раҳм-шафқат» қилиб баъзиларнинг гуноҳидан ўтиш ҳақида «васиқа» беришни расм қилиб олди. Бу ўринда нимани назарда тутяпман? Қонунга кўра, агар пора талаб қилинган бўлса, ёки пора берувчи ўз ихтиёри билан пора берганлигини айтса, пора берувчи жазодан озод қилинади.

Худди ана шу ўринда тергов чакки қадам ташлаб, қонун ва қонунсизлик ўртасида «дор ўйини» кўрсатади. Пора берган шахс батамом ўз ихтиёри билан (қонун худди ана шуни талаб этади)! тергов органларига келиб, шу ҳақида айтиши ниҳоятда кам учрайди. Ички ишчи органлари ёки прокуратурада тегишли суҳбат ўтказилганидан кейин, юмшоқроқ қилиб айтганимизда, кўпинча чин кўнгилдан чиқмаган ана ўшандай баёнот пайдо бўлади.

Тергов сири деб бегона кўзлардан яширилган худди шундай вазиятда кўпинча «виждон азобида қолганим учун шуни айтмоқчиманки...» қабилидаги сийқаси чиққан жумлалар билан бошланадиган баёнот пайдо бўлади. Равшанки, бундай ҳолларда ана шу баёнотнинг ғвогарона йўналишини истисно этиш мумкин эмас.

**— Ана шундай конкрет фактлар борми?**

— Бўлганда қандоқ. Айрим ана шундай фактлар расмий хабарда тилга олинган. Бухоро ички ишлар бошқармаси социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш бошқармаси бошлиғи Музаффаровга савдо ходимлари, ички ишлар органларидаги амалдорлар мунтазам равишда — ҳатто икки юз минг сўмгача пора бериб туришган. Ана шу одамлар пора берганликларини айтишганида сизга тегмаймиз, деб ваъда берилди. Дарҳақиқат, уларга тегишмади. Бунинг устига, ана шу пора берувчилар ўзлари пул эвазига сотиб олган илгариги катта лавозимларида ўтиравердилар, Ички ишлар министрлигига ҳам, коммунистлар ҳақида партия комитетларига ҳам хабар берилмади. Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Каримовнинг иши кўриб чиқилаётганида терговчиларга маъқул тушиб қолган пора берувчилар хўжакўрсин учунгина бир амалдан яна ўшандай «ёғлиқроқ» амалга ўтказилиб қўйилгани маълум бўлди. 40 минг сўм пора берган Бухоро шаҳар ижроия комитетининг раиси Султонов «Облкоммундренаж» бошлиғининг ўринбосари бўлди, область матлубот союзи раисининг ўринбосари Саидов (34 минг сўм пора берган) бош бухгалтер курсисига чиқди, Когон район партия комитетининг биринчи секретари Қурбонов эса гарчи терговчилар У. Каримовга 10 минг сўм пора берганини билишсада, ҳунар-техника таълими область бошқармасининг бошлиғи бўлиб қолаверди.

**— Ахир уларни Гдлян бир амалдан иккинчи амалга ўтказиб қўймаганку.**

— Аммо у терговни тўхтатган эди. Пора берувчиларга эса, қонунни бузиб, «Уларнинг хатти-ҳаракатида жиноят аломати йўқ», «СССР Прокуратурасининг тергов группасининг бу кишиларга даъвоси йўқ» деган справкалар берилди. Терговчилар «ўзларига зарур» ҳуқуқ бузувчилар ҳатто партия сафидан ҳам ўчирилмасликлари учун қўллаларидан келган барча ишларни қилдилар. Бу жиноятчи унсурлар билан ғайриқонуний тил бириктиришнинг ўзигина бўлмай, тергов ахлоқ-одоби билан сира қовишмайдиган нопок иш методлари ҳамдир.

Тўғри, Ўзбекистон партия комитетларининг айрим собиқ раҳбарларига порахўрликдек жуда жиддий жиноятлар учун айблов қўйилди. Улар суд олдида жавоб беришлари керак. Лекин деярли барча ана шу айбланувчиларнинг хотинлари, болалари, бошқа қариндош-уруғлари бир ойдан тортиб тўққиз ойгача қамаб қўйилди. Бу айбланувчиларга қаттиқ психологик таъсир ўтказди, албатта.

**— Мен бу ҳақида эшитган эдим, билишимча, улар жиноят изларини яширишяпти, деб гумон қилинган эди**

— Шундай гумонлар бўлган эди. Лекин хибсга олишиб, бундан фақат кўргазмалар олиш учунгина фойдаланишди. Бу эса ғайриқонунийдир. Бу ҳуқуққа хилоф тарзда таъсир ўтказишнинг қўпол усулларидир. Бундан 37-йилнинг «шабадаси» келиб турибди.

**— Сиз айтган гаплар жуда жиддий гаплардир. Маъзур тутинг, Алексей Владимирович, аммо нега энди прокурор назорати ана шу усулларнинг пайини қирқиб ташламади?**

— Бу савол мен учун ҳам, хойнаҳой, прокуратуранинг бошқа кўп ходимлари учун ҳам сира жўн савол эмас. Очиқ-ойдин нонормал аҳвол юзага келган. Бир прокурорнинг ўзи ҳам терговга раҳбарлик қилади, ҳам унинг устидан назорат ўрнатади. Бу қонунчиликнинг бузилишини ўз вақтида очиб ташлашга ва бу бузилишларни бартараф этишга ҳалал беради. Гдлян қўлидаги иш юзасидан ҳам худди ана шундай бўлди. СССР Бош прокурорининг ўринбосарлари О. В. Сорока ва А. Ф. Катусев терговчилардан Гдлян ва Иванов йўл қўяётган қонунчиликни бузиш ҳолларидан бохабар эдилар, албатта. Лекин улар жуда муҳим иш қилиняпти, ҳақиқатан ҳам катта порахўрлар фош этиляпти, деб маҳлиё бўлиб қолдилар. Прокурорлар баъзан «иш манфаатларини ўйлаб», қонун-қоидани бузиш ҳоллари кўпайиб кетишига бепарво қарадилар. «Кейинчалик», вақти келиб қонун-қоида бузилишини бартараф этиш мумкин, деб ҳисобладилар. Айни вақтда терговчилар ўзларига жуда бино қўйиб, ҳар қандай танқидни менсимай қўйишди. Танқидий мулоҳаза айтиладиган бўлса, мафияни фош этишга ҳалал беришга уриниш деб баҳоланди.

Терговнинг ғайриқонуний методлари хусусидаги ҳар қандай танқидга «чап» беришга уриниб, Гдлян ва Иванов оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилдилар. Айрим оммавий ахборот воситалари очиқдан-очиқ ғирромлик қилиб, порахўрликка қарши фаол курашдан жамоатчилик ниҳоятда манфаатдорлигини пеш қилиб, мисли кўрилмаган кенг кўламдаги кампанияни бошлаб юбордилар. Пайғамбарни умматлар яратади, деган гап бор. Буни қарангки, Гдлян жуда машҳур одам деб, «Совет давлати бутун тарихи мобайнидаги энг йирик тергов гуруҳи»нинг раҳбари деб, унинг фаолияти эса «қайта қуриш самараси» деб эълон қилинди. Назаримда, журналистлардан Г. Овчаренко ва А. Черненко ножўя иш қилишди. «Правда» газетасида босилган «Илоннинг заҳарли тиши суғурилди» мақоласида барча «манфаатдор шахслар»га қуйидагилар айтилди: «Тергов гуруҳи ўзи берган ваъдаларнинг бирортасини ҳам бузгани йўқ-ку, ахир. Буни ҳамма билиши керак».

Ҳар қандай келишмовчилик ва танқид қайта қуришга қаршилик кўрсатиш, деб эълон қилинган ана шундай олашовур вазиятда жиноий ишларга холисона баҳо бериш жуда қийин бўлади. Худди ана шундай бўлишига кўз тикилган эди-да. Бу ўринда Чурбанов, Яҳёев ва бошқалар ишига тааллуқли тафсилотларни таҳлил қилиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Аммо, СССР Олий суди аъзоларининг, ҳарбий коллегия раиси ўртоқ Маровнинг катта жасорат билан иш юритганини таъкидлаб ўтишим керак, афсуски ўртоқ Маров билан таниш эмасман. Мустақил суд, худди ана шундай таҳлитда, эҳтирослар тўфонига парво қилмай, иш кўриши керак.

Йўл-йўлакай айтиб ўтишим керакки, Ўзбекистон ССР Олий суди 1986 йилдаёқ Музаффаров ва бошқалар иши кўриб чиқилаётганида тергов гуруҳи қонунчиликни қўпол тарзда бузганлигини очиб ташлаб, хусусий ажрим чиқарган эди. Москва область суди, кейинчалик эса РСФСР Олий суди Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Сатторовнинг ишини кўриб чиқаётганида тергов тақдим этганидек, Сатторов олган пора миқдорини 7.499 сўм (33 ҳодиса)дан исботланмаганлиги учун маҳсулот тарзида 3 карра берилган 300 сўмлик учта порага қисқартирди.

Ўзбекистон ССР Олий суди куни кеча Навоий область ички ишлар бошқармаси собиқ бошлиғи Ҳаитов иши юзасидан суд мажлисини якунлади. СССР Прокуратураси марказий аппаратининг прокурори, давлат қораловчиси Ҳаитовни порага оид 26 ҳодиса бўйича қоралашдан бош тортди, ҳолбуки Гдляннинг тергов гуруҳи 28 та ана шундай воқеани тақдим этган эди. Суд 27 та пора бериш ҳодисаси бўйича Ҳаитовни оқлади, бир ҳодиса юзасидан эса ишни қўшимча тарзда тергов қилишга қайтариб юборди ҳамда қонунчилик бузилгани ҳақида хусусий ажрим чиқарди. Буларнинг ҳаммаси тергов гуруҳи қўллаётган яроқсиз методларнинг оқибатидир. Далил-исботларни мустаҳкамлаш учун чинакамига ишлаш ҳоҳиши ва маҳорати йўқлиги оқибатидир. Барча куч-ғайратлар фақатгина жиноятни бўйнига қўйишга қаратилса, илгари берилган кўргазмалардан воз кечиш иш барбод бўлишига, шундан кейин эса жиноятчи қилмиши учун тўла жавобгарликдан қутулиб қолишига олиб боради.

**— Республика прокуратураси билан Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳи ўртасида ўзаро муносабатлар қандай бўлди?**

— Шуни айтишим керакки, Ўзбекистонда турли даврларда СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар — Свидерский, Любимов, Калиниченко, Королев, Майданюк, Маврин бош бўлган бошқа гуруҳлар ҳам ишлаган эди. Барча тергов гуруҳлари билан жуда мустаҳкам алоқа ўрнатилди, пайдо бўлаётган масалалар биргаликда ҳал этилди. Аммо, расман, ана шундай тергов гуруҳи фақат СССР Прокуратурасига бўйсунган. Тергов гуруҳининг фаолиятини, унинг ўзи ишлаётган регионидаги ҳуқуқ муҳофазаси органлари раҳбарлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиб турадиган бирор бир қоида йўқ. Биз кўриб чиқаётган ҳолда бўлганидек, қонунчиликнинг бузилишига олиб келаётган мураккабликлардан бири ана шундадир.

Даставвал, Гдлян — Иванов гуруҳи билан иш планлари биргаликда тузиб чиқиларди, зарур тадбирлар амалга ошириларди. Порахўрликда айбланаётган шахсларни қамоққа олиш учун санкцияларни, одатда, СССР Бош прокурорининг ўринбосари берар эди. Аммо, шундай вазиятлар ҳам бўлдики, бу масалаларни шу жойнинг ўзида ҳал этиш лозим бўлиб қолди. Масалан, Қорақалпоғистон ва Хоразм область партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари Камолов ва Худойберганов, бошқа бир қанча раҳбар ходимлар, жумладан ички ишлар министрининг собиқ ўринбосари Қаҳрамоновни бевосита мен ўзим қамоққа олган эдим. Қаҳрамоновни кейинчалик СССР Олий суди оқлади.

Мен қонунга қатъий риоя этилишини, далил-исботларни мустаҳкамлаш учун пухта ишлашни, катта ўғриларнинг жавобгарликдан қутқариб қолишга йўл қўймасликни талаб қилганимда Гдлян ва Иванов жуда жиғибийрон бўлиб кетишарди. Бу гуруҳ тобора танҳоланиб қолаверди, иттифоқ прокуратурасининг раҳбарлиги ҳам бу группа иши устидан назоратни йўққа чиқарди.

Назаримда, ҳозир ҳам иттифоқ прокуратураси изчил позицияда тургани йўқ. Жамоатчилик фикри жунбушга келди. Меҳнаткашлар билан кўпдан кўп учрашувлар, турли митингларда Гдлян ва Иванов эҳтиросларини авж олдириб, масъулиятсизлик билан сўзламоқдалар. Аммо, иттифоқ прокуратурасининг раҳбарлари қонунчиликнинг бузилиши ва бевосита нотўғри талқин қилинишига ҳали ҳам ўз муносабатини билдиргани йўқ.

Лекин мен сизнинг: «республика прокурори қаёққа қараган эди» деган саволингизга жавоб бермоқчиман. Мен марказий идораларга юборган ҳужжатларнинг нусҳаларини ўқиб кўринг.

> 1987 йилнинг 11 май куни, яъни бундан икки йил муқаддам мен бундай деб ёзган эдим: «Иттифоқ прокуратурасининг тергов гуруҳлари республикада кўп ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим ҳолларда, афсуски, СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов бошчилигидаги гуруҳ қонунчилик принципларидан чекиниш, терговни нотўғри методлар билан олиб боришга йўл қўймоқда. Бу гуруҳнинг ҳаракатлари баъзан дастлабки тергов органларига берилган ваколотлар доирасидан чиқиб кетмоқда ва айрим шахсларнинг ўзларигина ҳам терговга раҳбарлик қилиши, ҳам унинг устидан назорат ўрнатиши салбий оқибатларга олиб келишининг яққол мисолидир. Терговчилар айрим айбланувчилар билан ғайрирасмий муносабатлар ўрнатмоқдалар, қилмишга яраша эмас, балки камайтирилган жазо чораси белгилашни ваъда қилиб, айблов ҳажмини сунъий тарзда торайтириш ҳоллари содир бўлмоқда... Ички ишлар органларининг пора берган неча ўнлаб ходимлари илгариги, ўзлари «сотиб олган» лавозимларда қолдилар. Чунки, улар содир этган оғир жиноятлар Ички ишлар министрлиги раҳбариятидан яширилди. Бу ҳақда партия комитетлари ҳам хабардор этилмади. Республика Олий судида СССР Прокуратурасидан келган давлат қораловчиси иштирокида Музаффаров, Қудратов ва бошқаларнинг жиноий ишлари кўрилаётганида тергов гуруҳи йўл қўйган қонунчиликни бузиш ҳоллари ошкор бўлиб қолаётганида аввало судга бевосита тазйиқ ўтказишга уриниб кўрилди, кейинчалик эса суднинг бутун составини ўзгартиришга ҳам ҳаракат қилинди... Мен гуруҳ фаолиятидаги қонунчиликни бузиш ҳолларини бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги масалани СССР Прокуратураси раҳбарияти олдига бир неча бор қўйган эдим».

Шуни таъкидламоқчиманки, бу ҳужжатни ҳамсуҳбатим партия XIX конференцияси очилишидан бир йил илгари жуда юқорига жўнатган эди. Конференция бошланиши арафасида Т. Гдлян ва Н. Иванов номлари машҳур бўлиб кетгани маълум.

**— Яна бир масала тилга олинишини истар эдим. Маълумки, гумон қилинаётган кўп одамлар неча йиллаб қамоқда ётишибди, бу қонунга батамом зиддир. Терговчиларнинг ўз фикри бор: мафия — илдиз отиб кетган жиноятчи ташкилотдир, қонунда белгилаб қўйилган муддатларда ёвузликлар калавасининг учини топиш мумкин эмас. Хўш, нима қилайлик, деб сўрашяпти улар, озод қилиб юборайликми? Шундай қилсак, тергов барбод бўлади. Бу мулоҳазаларга қўшилмаслик қийин. Лекин бошқа мулоҳаза ҳам бор: ҳар қандай шароитда ҳам қонунга риоя қилиш керак. Бунга нима дейсиз?**

— Мен суд йўли билан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тарафдориман. Аслида ҳақиқий қонуний муддат ҳозир икки ой билан чекланган. Шундан кейин эса «истиснолар» бошланади: область прокурори аҳволни эътиборга олиб, муддатни 3 ойга, республика прокурори 6 ойга, Бош прокурор 9 ойга узайтириши мумкин. Аммо бу сохта чеклашлардир. Иш судга оширилгач, яна бир неча ой қамоқда ўтирилади, суд қўшимча тергов ўтказиш учун жўнатадиган бўлса, яна бир ой муддат берилади ва ҳоказо. Айтайлик, икки ой қамоқда бўлганидан кейин область судидан қуйи бўлмаган суд айби исботлаб берилмаган гражданиннинг тақдирини ҳал этиш керак, мен шунинг тарафдориман.

Терговнинг дастлабки босқичида ҳимоячини процессга жалб этиш тўғрисидаги масалани ҳал этишни жадаллаштириш лозим. Шундай қилсак, мен юқорида санаб ўтган қонунни бузиш, терговчилар билан айбланувчилар ўртасида ғайрирасмий муносабатларнинг ўрнатилишига чек қўйилади.

**— Сўнгги савол. Алексей Владимирович, ана шу масалалар хусусида сиз Гдлян билан эркин мунозарада қатнашишга тайёрмисиз?**

— Ҳа, тайёрман.

**РЕДАКЦИЯДАН: Аввало суҳбатнинг бошида айтилган гапга қайтайлик. Биз ҳозир ҳам Т. Х. Гдлян билан худди шундай суҳбатни эълон қилишга тайёрмиз.**

**Энди иккинчи масала хусусида. Ана шу олашовурнинг энг оғир оқибати шундаки, жамоатчилик фикри қонун билан тўқнаш келди. Қонунни ҳимоя қилиши лозим бўлган ходимлар порахўрликнинг кўплигидан, жиноятларга бош қўшган мансабдор шахслардан дарғазаб бўлган меҳнаткашларнинг ўринли ҳис-туйғулари билан ўйнашиб, ҳуқуқ нормалари билан ҳисоблашмай қўйишни, судгача ўзларининг ҳукумларини чиқаришни, одамларни қамаш ҳамда уларнинг айбини етарли даражада исботламасдан неча йиллар мобайнида қамоқда сақлашни, жиноятчи деб гумон қилаётганларнинг оилаларига нисбатан репрессия чораларини кўришни, ўзларига зарур бўлган кўргазмаларни «ундиришни» ўзларига эп кўрдилар.**

**Одамларнинг (уларни суд ҳукм чиқармагунча жиноятчи ҳисоблаш мумкин эмас) юзига қора суркашга қўшилган оммавий-ахборот воситалари ҳам жамоатчиликни жунбушга келтириб, аслида уни эндигина суд олдида жавоб бериши лозим бўлган кишиларга қарши гиж-гижлаб, ножўя иш қилдилар.**

**Агар адвокат дастлабки терговнинг дастлабки босқичидаёқ эртароқ иштирок эта бошлаганида, агар тергов прокурор назоратидан ажратиб олинганида ёлғондакам эътирофлар, ўзини-ўзи қоралашлар, суд мажлисларида ўз кўргазмаларидан воз кечишлар бўлмас эди. Мутлақо бўлмас эди. Партия XIX конференциясининг «Ҳуқуқий ислоҳот тўғрисида» қарорида шу ҳақда ёзилган эди. Бу ҳақда матбуот ҳам неча маротабалаб ёзди. Аммо, қонуншунос бу масалани қандай ҳал этаётганини жамоатчилик ҳанузгача билмайди.**

**Фақат қонун, фақат унинг руҳи ва ҳарфига қатъий риоя қилиш совет кишисини бедодликдан муҳофаза этади, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Фақат қонунгина уюшган жиноятчилик, порага сотилиш, ўғирликка қарши муваффақиятли курашга имкон беради. «Ҳуқуққа чап бериб» иш тутиш эса, бу ҳол қандай мулоҳазалар билан оқланмасин, фақат жиноятчиларга қўл келади.**

**Ҳеч ким ва ҳеч нарса қонундан устун бўлолмайди.**

**(«ИЗВЕСТИЯ» газетасининг 1989 йил 22 май сонидан).**

---

*Экология масалаларига бағишланадиган область партия-хўжалик активи йиғилиши олдидан*

# БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

БУ ВОҲАНИНГ мўъжиза дейилиши бежиз эмас. Бўстонлиқ — ҳақиқатан табиат дурдонаси. Айниқса, республикамиз пойтахти атмосферасининг ҳолати учун аҳамияти беқиёсдир. Унинг табиати, атроф-муҳитида бўлган ўзгаришлар, хоҳ у ижобий, хоҳ салбий бўлсин, албатта, Тошкент ҳавосида акс этади. Бу илмий жиҳатдан исботланган ҳақиқатдир.

Шундай бўлгач, Бўстонлиқ табиатининг мусаффолиги, шифобахшлигига путур етказмаслик керак. Амалда шундай бўлаяптими? Аслода. Атроф муҳитни ифлослантираётган турли-туман манбалар бевосита Бўстонлиқнинг ўзида ҳам кўп. Ушбу мақолада уларнинг ҳаммаси ҳақида эмас, фақатгина Чимён — Чорвоқ — Белдирсой минтақасида жойлашганлари ҳақида, уларнинг табиатга, атроф-муҳитга қанчалик зарар келтираётганлиги ҳақида тўхталмоқчимиз.

Бўстонлиқ майдони анча катта — ўнларча минг гектар кенгликка ястаниб ётибди. Чимён — Чорвоқ — Белдирсой унинг айтарлик унча катта бўлмаган қисми. Шунга қарамай бу ерда ҳам атроф-муҳитни булғатаётган ўнлаб манбалар бор. Афсусланарлиси шуки, уларнинг сони камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Оқибатда ҳавога чиқарилаётган турли заҳарли моддалар, оқар сувларга оқизилаётган ифлос оқиндилар ортмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шу кенгликка кўп ҳолларда заҳарли аралашмаларнинг тўпланиши нормадагига нисбатан ҳатто 4—5 баравар ошиб кетар экан. Айниқса, азот оксиди, олтингугурт гази, карбон оксиди, қурумлар, карбонат ангидрид қаби заҳарли моддалар кескин кўпаяди.

Бундай заҳарли моддаларни атроф-муҳитга тарқатаётган манбалар нималар? Албатта, шу ерда жойлашган бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, бутун воҳа бўйлаб қад кўтарган катта-кичик қозонхоналар ва бошқа шу кабилардир. Бундай манбалар сафига Ғазалкентда жойлашган қатор корхоналар ҳам киради. Айниқса, суюқ ёнилғи асосида ишлайдиган қозонхоналар атмосферага кўп тутун чиқармоқдаки, уларнинг атрофидаги дов-дарахтлар, ўт-ўланларни қурум қопламоқда.

Бундай аянчли вазиятнинг содир бўлишига олиб келаётган яна бир сабаб бор. Бу ерда дам олиш минтақалари бебош қурилади. Неча бор гапирилганига қарамай унда тартиб ўрнатиб бўлмаяпти. Ҳамон улар кўнгилга келган жойда барпо этилмоқда. Бунда экология талабларига деярли риоя қилинмайди. Ҳар бир дам олиш комплекси ўзи учун мустақил қозонхона қуриб олган.

Қозонхоналарда ёқилғи сифатида газ ишлатилиши керак. Бироқ ҳозирча бу ишни тўла амалга ошириш имкони бўлмаяпти. Газ тармоқлари қурилиши ниҳоятда судралмоқда. Бунинг оқибатида қозонхоналарда фақат суюқ ёнилғи ёқишни лойиҳалаштиришга мажбур бўлинмоқда. Бу эса атроф-муҳитни турли хил зарарли чиқиндилар билан ифлосланишига сабаб бўлаяпти. Шундай бўлгач ёқилғи сифатида газдан фойдаланишга ўтиш ишларини ҳар томонлама кенгайтириш ва тезлаштириш зарур.

Ғазалкентдаги қатор саноат корхоналари ҳам атмосферага заҳарли моддалар тарқатишни давом эттирмоқда. Шундай корхоналарнинг бири Чирчиқ ойна заводидир. У кейинги вақтларда ҳар йили икки юз тонна зарарли моддаларни атроф-муҳитга чиқармоқда. Улар орасида азот оксиди, чанг, тутун ва бошқа шу каби заҳарли моддалар бор. Умуман корхонада шундай манбалар қирқтадан ошиқроқни ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси атроф-муҳитни ифлослантиради.

Корхонада уни камайтириш учун ҳеч қандай иш олиб борилмаяпти, ҳеч қандай чора кўрилмаяпти, деб айтаолмаймиз. Шу мақсадда айрим тадбирлар ҳам амалга оширилаяпти. Табиатни заҳарловчи қатор манбаларга тозалаш қурилмалари ўрнатилди. Уларнинг йигирма учтаси шундай мосламалар билан ускуналанган. Лекин бу қурилмаларнинг ҳаммасидан ҳам оқилона фойдаланилмаяпти. Саккизтаси ёки 34 фоизи тўла созланган ҳолда ишлаётгани йўқ. Улар атроф-муҳитга тарқалиши мумкин бўлган турли заҳарли моддаларни тўла тутиб қолаолмаяпти.

Заводда чиқиндиларнинг атрофга тарқалиш нормаси ишлаб чиқилган, унинг рухсат берилган даражаси ҳам белгиланган. Бунинг учун корхона маъмуриятига ҳуқуқ ҳам берилган. Завод бўйича чиқарилган махсус буйруқдан атроф-муҳитнинг муҳофазаси юзасидан ҳисобот бериб туришга масъуллар тайинланган, бироқ энг муҳими газ чангини ушлаб қолувчи қурилмаларнинг техникавий ҳолати ва фойдаланиш учун масъул кишилар белгиланмаган.

Корхонанинг қатор бўлинмаларида газ чангини тутиб қолувчи қурилмалар ҳамон ўрнатилмаган. Штапель шиша толаси цехи шулар жумласидандир. Шу туфайли бу цех чиқиндиси ҳисобланган газ, чанг ва бошқа моддалар ҳамон атмосферага тарқалмоқда. Бунинг устига мавжуд қурилмалар вақтида ремонт қилинмайди, у кўпинча сифатсиз амалга оширилади. Айрим ҳолларда завод бўйича чиқиндиларнинг теварак-атрофга ёйилиши нормадагидан 12—50 баравар ошиқроқ бўлиши ҳам шундандир. Ҳатто давлат инспекцияси газни тозалаш қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун таркибий цехдаги қориштиргични ишлатишни тўхтатиб қўйди.

«Энергоиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасида атроф-муҳитни соф сақлаш юзасидан қилинган ишлар ҳам давр талабидан орқада қолмоқда. Бу ерда табиат учун зарарли моддалар чиқариш шу вақтгача тўла бартараф этилмаган. Корхонада шундай манбалардан ўттиз тўртта бор. Уларнинг фақатгина учдан бир қисмдан ҳам камроғи газ, чанг ва шу атрофни ифлос қилувчи бошқа моддаларни тутиб қолувчи қурилмалар билан таъминланган, холос. Камида яна ўнтаси шундай мосламалар билан жиҳозланиши керак.

Аҳвол шундай бўлишига қарамай умуман бирлашма ва қисман унинг бўлинмаларида шу мақсадга қаратиб белгиланган техникавий тадбирлар ниҳоятда сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Айниқса бирлашманинг керамзит цехи ва Чорвоқ бетон заводи ҳамон атроф муҳитни кўп булғатмоқда. Атмосферага чиқарилиши мумкин бўлган зарарли чиқиндилар миқдори шу вақтгача тўла белгиланмаган ва тегишли ташкилотлар билан келишилмаган.

Бу соҳадаги мавжуд қонунчиликка амал қилинмагани учун давлат инспекцияси цемент омбори, бетон қориштириш цехларини фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор чиқаришгача борди. Бўлинмаларни тўхтатиш аввало корхонага зарар бўлди. Қурилиш ишларини зарур материаллар билан таъминлашда қийинчиликларни вужудга келтирди. Кўрган зарарга нисбатан атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қилинадиган ишлар арзонга тушарди. Буни бирлашма раҳбарлари ҳам яхши тушунишади. Бироқ ҳафсаланинг етишмаслиги, қолаверса лоқайдлик шунга олиб келди.

Хўжакент фойдаланиш линия бошқармаси, иккинчи механизациялашган уйсозлик колоннаси ҳамда бошқа қатор корхона-ташкилотлар ҳам табиатни соф ҳолда сақлаш ишига эмас балки уни ифлослантиришга хизмат қилмоқдалар. Масалан, бу ташкилотларнинг биринчиси ҳар йили атмосферага юз тонна атрофидаги ифлосларни чиқармоқда. Бу ерда ҳам чиқиндиларни чиқариш нормалари белгиланмаган. Уйсозлик колоннасида ҳам ҳар йили ўнлаб тонна заҳарли моддалар атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. Унда ҳам чиқиндиларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдори тасдиқланмаган, газ-чанг тутқичларнинг техник паспорти тузилмаган, айрим булғатувчи манбаларда бундай мосламаларнинг ўзи ҳам ўрнатилмаган.

Бўстонлиқ воҳасининг ушбу қисмида атроф-муҳитга таъсир қилаётган, ўзининг чиқиндилари билан ифлослантираётган бошқа манбалар ҳам йўқ эмас. Мақсад уларнинг ҳаммасини санаб ўтишда эмас, балки гўзал табиатга путур етказаётган, бу билан ҳатто кишилар саломатлигига зарар келтираётган бефарқлик, лоқайдлик кайфиятига барҳам беришдир. Ўйлаймизки, ушбу муаммога бевосита алоқадор бўлган мутасадди ташкилотлар бу ерда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган амалий чораларни кўрадилар. Ҳамма гап ана шунда. Бу соҳада бефарқ бўлмаслик керак!

**М. МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

